Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2020 йил 18 февраль, № 35 (7537) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Анқара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубхонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

ЎзА.

Ўзбекистон — Туркия: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ҳамда Туркия Президенти кутубхонаси мажмуасининг расмий очилиш маросимида иштирок этади.

Ўзбекистон Президентининг Туркияга ташрифи олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давоми, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ишонч руҳидаги дўстлик ва стратегик шерикликнинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашига Туркия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида асос солинган эди. Ушбу тузилма икки давлат раҳбарлари ҳамраислигида фаолият юритади.

Қардош Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олган биринчи давлатдир. 1992 йил икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркияга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро муносабатлар ривожида бутунлай янги саҳифа очди. Ташриф давомида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, саноат, банкмолия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган 20 дан зиёд ҳужжатларга имзо чекилди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған 2018 йил 29 апрель — 1 май кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифини амалга оширди. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, энергетика, илм-фан, таълим, туризм каби соҳаларга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатларимиз раҳбарлари доимийлик касб этган учрашув ва мулоқотлар чоғида ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини холисона баҳолаб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олмоқда. Бу икки мамлакат ишбилармонлари учун қулай шароит яратилаётгани, инвестиция муҳитининг яхшилангани, виза тартибининг соддалаштирилгани, янги қўшма лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилаётганида намоён бўлмоқда.

➡4

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди.

Илғор хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турини қисқартириш, уларни бериш тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошкора механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибида махсус Ишчи гуруҳ тузилган.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мазкур Ишчи гуруҳ ишини ташкил этишдаги асосий йўналишларни белгилаб берди.

Аввало, инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашдан чиқариб ташланиши лозимлиги таъкидланди. Масалан, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зиён етказмаса-да, лицензияланади.

Айни пайтда айрим лицензия шартлари соҳада рақобатни ҳам чекламоқда. Хусусан, кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш билан ягона кредит бюроси шуғулланиб, бозорга бошқа тадбиркорлар киришига имкон деярли қолмайди. Кредит бюросини очиш учун камида 10 та тижорат банкининг розилигини олиш талаб этилади. Мавжуд 30 та банкдан 26 таси ушбу ягона кредит бюросининг муассиси ҳисобланиб, қолган 4 та банк янги бюро ташкил этишга розилик берган тақдирда ҳам ташаббускор лицензия ололмайди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини кенг жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Хорижий тажрибада лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш, мажбуриятни суғурталаш, ўзини-ўзи бошқариш, техник тартибга солиш каби муқобил усуллар мавжуд. Мисол учун, тураржой объектларини нотураржой сифатида қайд этиш учун тадбиркор алоҳида рухсатнома олиши керак. Ваҳолонки, бунинг учун давлат идоралари хабардор қилинса, кифоя бўлиши мумкин.

Худди шундай, риэлторлик, аудиторлик, суд бошқарувчилиги каби фаолият турлари билан шуғулланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш ёки ўзини-ўзи бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ва муддатларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Адлия вазирлигига бир ой муддатда лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари ва тўловларини ўрганиб чиқиб, уларнинг шартларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқ берилди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризаси қайтарилади.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий технологияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ҳанузгача қоғоз шаклида берилмоқда. "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай, бугунги кунда бу портал деярли фаолият юритмаяпти. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ лицензиялар "бир дарча" тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига жорий йил 1 августга қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараённинг тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лицензия талабларига риоя этишни мониторинг қилишнинг янги, ошкора тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этди. Масалан, ёнғин назорати органлари ёнғинга қарши воситаларни ўрнатувчилар фаолиятини назорат қилиши керак бўлса-да, бундай назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Илғор хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада коррупция ва турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш талаб этилади.

Йиғилишда мутасаддилар олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳар бир тармоқ кесимида қайси лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш мумкинлиги тўғрисида ахборот берди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МИННАТДОРЛИК

Хитой халқига ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирилди.

Хитой халқига билдирилган ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўллади. Унда шундай дейилади:

"Муҳтарам Президент Жаноблари!

Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши олиб бораётган кураши муносабати билан йўллаган ҳамдардлигингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Қаерда кулфат юз берса, ҳар томондан ёрдамга шошиладилар, деганларидек, дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон Хитой ҳукумати ва халқи билан ҳамдард эканини билдирди ва турли кўринишда қўллаб-қувватлади. Бу бизга нисбатан дўстлик муносабатларини тўлиқ намоён этди.

Хитой эпидемияни бартараф қилиш ҳамда назоратга олиш борасида муваффақиятга эришишига ишончи комил ва бунга қодир. Шунингдек, бутун дунёда соғлиқни сақлаш ишига ҳисса қўшиш йўлида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдаман ҳамда Сиз билан бундан кейин ҳам яқин мулоқотни давом эттиришга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин".

ЎзА.

ҚАРДОШ ЭЛЛАРНИНГ МУШТАРАК МАҚСАДЛАРИ

Ҳақиқий дўстлар қўл билан кўз кабидирлар, дея лутф этганди Мавлоно Жалолиддин Румий. Бунинг боиси эса шу: қўл оғриганда кўз йиғлайди, кўз йиғлаганида қўл артар... Асрлар синовидан ўтган бу ҳикмат азал-азалдан қардошу биродар бўлиб яшаган, илдизи бир, томирлари туташ, тилию дини муштарак ўзбек ва турк халқларининг бугунги дўстона муносабатларига нақадар мос қиёс!

"Ассалому алайкум", "Хуш келибсиз", "Марҳамат", "Танишганимиздан хурсандмиз", "Зиёратингиз қабул бўлсин", "Қўлингиз дард кўрмасин", "Соғ бўлинг", "Ташаккур", "Кўришгунча"... Бундай ўзбекона лутфу иборалар турк тили луғатида камми? Аммо бизни қизиқтирган жиҳат бошқа: айни дамда ҳаёт тарзимиз, маданиятимиз, маънавиятимизда қанчалик ўхшашликлар бор? Меҳмондўстлик, бағрикенглик бобидаги қадриятларимиз қай даражада бир-бирини такрорлайди? Кейинги йилларда икки давлат муносабатларидаги яқинлик қандай амалий натижалар бераётир? Ҳамкорлигимизнинг ёрқин истиқболлари нималарда намоён бўляпти?

Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Коммуникация бошқармасининг таклифига биноан, ушбу мамлакатнинг юртимиздаги элчихонаси кўмагида Анқара ва Истанбул шаҳарларига уюштирган ижодий сафаримиз давомида ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

6-саҳифага қаранг. ➡

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инвестиция лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

инвестор – фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

махсус иқтисодий зона – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд;

махсус ҳуқуқий режим – махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция фаолиятини ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида шарт-шароитларни белгилайдиган ҳуқуқий нормалар мажмуи;

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестри – махсус иқтисодий зонанинг иштирокчилари ва инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларнинг ахборот базаси;

махсус иқтисодий зонанинг бош режаси – махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши ёки махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан тасдиқланган лойиҳа ҳужжати бўлиб, унинг асосида махсус иқтисодий зона ҳудудини режалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва шаҳарсозлик жиҳатидан ўзлаштиришнинг бошқа турлари амалга оширилади.

2-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш дастурларини тасдиқлайди;

махсус иқтисодий зоналарнинг чегараларини тасдиқлайди;

махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларини тузади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни, мониторинг ва назорат қилишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг уставларини тасдиқлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни, мониторинг ва назорат қилишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органларини белгилайди, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади.

5-модда. Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи:

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳар бир босқичида инвесторларнинг, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ҳамда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шу жумладан мавжуд бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этишга доир ишларни ташкил этади;

махсус иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиш жараёни мониторингини амалга оширади;

махсус иқтисодий зоналар дирекциясининг ва иштирокчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашдан ўтказади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини ташкил этади;

махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш, шунингдек махсус иқтисодий зоналар дирекцияларининг ҳамда маъмурий кенгашларининг фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

МУРОЖААТНОМА — 2020

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ўз аҳамиятига кўра мамлакатимизнинг жорий йилдаги ва ундан кейинги йиллардаги стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаб берадиган дастуриламал ҳужжатдир. Шу сабабли Мурожаатномада кўтарилган масалаларни чуқур ўрганиш ва изчил амалга ошириш мамлакатимизни янада ривожлантириш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг қамровли, ҳаётбахш вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим асос вазифасини ўтайди.

Инсон омили — бош қадрият

Янги Ўзбекистонимизнинг барча жабҳасида инсон омилига муносиб ўрин бериш йўлида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу имкониятлар қуйидаги вазифаларда ўз инъикосини топди:

- давлат идораларининг халққа хизмат қўламларини янада кенгайтириш борасида белгиланган чора-тадбирларда;
- суд-ҳуқуқ тизимини қонун устуворлиги ва адолат тамойиллари негизига кўчириш борасида амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотларда;
- қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасидаги иқтисодий ўзгаришларда;
- жамоатчилик фикри омилига катта устуворлик берилганида;
- таълим олиш имкониятларини ривожланган давлатлар даражасига юксалтиришнинг аниқ режалари белгиланганида;
- инсон капиталини такомиллаштириш ишлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигида;
- инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва профилактика қилиш ишларининг устувор давлат сиёсатига айлантирилганлигида;
- аҳолининг арзон ва қулай уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш ишларининг жадал суръатларда амалга оширилаётганлигида;
- мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олиш ишларининг ўтган уч йилда 17 фоиздан 52 фоизга етказилганлигида.

Қисқача айтганда, инсон омилининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, халқаро муносабатлар самараси, ички ва ташқи сиёсатда барқарорлик учун аҳамиятга эга. Бу келгуси авлодлар ривожи учун ҳам муҳим асос вазифасини ўтайди.

➡5

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6-модда. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури

Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ амалга оширилади:

ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни;

муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни;

бозор инфратузилмасини яратишни;

махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини.

Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини молиявий таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестиция дастурларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналарнинг муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг молиявий таъминоти назарда тутилиши керак.

7-модда. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини бошқариш

Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизида, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади.

Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасидаги қарорига кўра махсус иқтисодий зона дирекциясига давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда оператив бошқарувга берилиши мумкин, бундан хусусийлаштирилмайдиган стратегик давлат мулки объектлари мустасно. Давлат мулки объектлари махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун давр учун оператив бошқарувга берилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектларини махсус иқтисодий зона иштирокчиларига, инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда, реализация қилиш, шу жумладан «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар алоҳида ҳолларда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва доривор ўсимликлар етиштириш мақсадида фармацевтика ҳамда аграр йўналишдаги махсус иқтисодий зоналар учун берилиши мумкин. Бошқача фаолиятга ва тармоқ ихтисослашувига эга бўлган махсус иқтисодий зоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорларига биноан берилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудидаги ер участкалари махсус иқтисодий зоналарнинг дирекциялари тасарруфида туради ва махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг фойдаланишига инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашларининг қарорлари асосида берилиши мумкин, бундан махсус саноат зоналарининг ҳудудлари мустасно.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини бериш тўғрисидаги қарор махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва шу билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, тегишли вилоят ҳокимининг ёхуд Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарори қабул қилинади. Мазкур тартиб махсус саноат зоналари ҳудудида ер участкасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчисига ер участкасини ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти махсус иқтисодий зоналарнинг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ амалга оширилади.

8-модда. Махсус иқтисодий зоналарда давлат-хусусий шериклик

Махсус иқтисодий зоналарда давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг турлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари

9-модда. Махсус иқтисодий зоналарнинг турлари

Махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин:

эркин иқтисодий зоналар;

махсус илмий-технологик зоналар;

туристик-рекреацион зоналар;

эркин савдо зоналари;

махсус саноат зоналари.

10-модда. Эркин иқтисодий зона

Эркин иқтисодий зона – янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд.

11-модда. Махсус илмий-технологик зона

Махсус илмий-технологик зона – инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд.

12-модда. Туристик-рекреацион зона

Туристик-рекреацион зона – унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

13-модда. Эркин савдо зоналари

Эркин савдо зоналари консигнация омборларини, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига олади.

Эркин савдо зоналари чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғламаларида ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилади.

14-модда. Махсус саноат зонаси

Махсус саноат зонаси – бошқарув, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд. Махсус саноат зоналари зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади.

Махсус саноат зонасининг фаолият кўрсатиш қоидалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4-боб. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир талаблар

15-модда. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар жумласига қуйидагилар киради:

архитектура ва қурилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлик;

молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги;

махсус иқтисодий зона фаолиятига ва тармоқ ихтисослашувига мувофиқлик;

технологик ускуналар ва технологик жараёнлар кўрсаткичларининг замонавий энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги.

16-модда. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Инвестиция буюртманомаси топширилган пайтда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозорнинг эҳтиёжларини қопламайдиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни назарда тутган бўлиши керак.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси коди бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг дастлабки тўртта белгиларидан бирининг даражасида бошланғич хом ашёга нисбатан ўзгаришини ёки қўшилган қийматга эга маҳсулот ҳажмининг камида ўттиз фоиз даражасида кўпайишини назарда тутиши керак.

Эркин иқтисодий зоналарда рақобат муҳити яратилган, ички бозор тўйинган ёки ишлаб чиқариш ҳажмлари ички бозор эҳтиёжларини қоплайдиган ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Тегишли ваколатли органларнинг Ўзбекистон Республикасида ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмлари етишмаслиги ва рақобат муҳити даражаси тўғрисидаги хулосалари кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан мустақил равишда сўраб олинади.

Ушбу талаблар тўлиқ экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун татбиқ этилмайди.

17-модда. Махсус илмий-технологик зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Махсус илмий-технологик зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

рўйхатдан ўтган патент ҳуқуқларининг мавжудлиги;

илмий-техник янгилик ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўп илмий изланишни талаб қилиши (товарларнинг хусусиятига кўра мутлақо янги ёки илгари ишлаб чиқарилган ўхшаш товарнинг хусусиятларидан жиддий фарқ қилса ёки товарнинг истеъмол хоссаларига кўра мавжуд бўлган шундай товарларга нисбатан яхшиланган бўлса ёки бевосита ўхшашлари мавжуд бўлмаган тақдирда, сифат жиҳатидан янгича истеъмол (функционал) хусусиятларига эга бўлса, шу жумладан товарнинг рақобатбардошлигини оширадиган ёхуд товарни қўллашнинг бундай товардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш имконини берадиган янги усули аниқланган бўлса).

Тегишли ваколатли органларнинг рўйхатдан ўтган патент ҳуқуқлари мавжудлиги ва илмий-техник янгиликнинг мавжудлиги ҳамда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги хулосалари кейинчалик эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этиш учун эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан мустақил равишда сўраб олинади.

18-модда. Туристик-рекреацион зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар

Туристик-рекреацион зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари туристик индустрия объектларининг барпо этилишини, туристик хизматларни ташкил этиш чоғида туристлар хавфсизлиги ва соғлиғининг муҳофаза қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини, шу жумладан туристик индустрия объектларини видеокузатув, фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда огоҳлантириш (хабар қилиш) ва зарур ёрдам кўрсатиш тизимлари билан жиҳозлаш орқали таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутиши керак.

19-модда. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида тақиқланган фаолият

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга ошириш тақиқланади:

экологик стандартларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш стандартларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқаришни;

қурол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни, қурол ва ўқ-дорилар савдосини;

ядровий материаллар ва радиоактив моддалар ишлаб чиқаришни, ядровий материаллар ва радиоактив моддалар савдосини;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни;

хом терига ишлов беришни, ҳайвонларни ҳайдаб боқишни ёки сўйишни;

цемент, бетон, цемент клинкери, ғишт, темир-бетон плиталар ишлаб чиқаришни, кўмир, оҳак ва гипсдан маҳсулот ишлаб чиқаришни;

барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш, парчалаш, ёқиш, газлаштириш, уларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш, уларни якуний ва (ёки) вақтинча сақлаш ва (ёки) ер остига кўмиб ташлашни;

нефтни қайта ишлаш заводларини, атом электр станцияларини, ядровий қурилмаларни, радиациявий манбаларни, қайта ишланган ядровий ёқилғи, радиоактив моддалар ва чиқиндилар, шунингдек бошқа радиоактив чиқиндиларни сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган пунктлар ҳамда қурилмаларни жойлаштиришни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятнинг айрим турларига нисбатан тақиқ ва чекловлар жорий этилиши мумкин.

5-боб. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш тартиби

20-модда. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш

Махсус иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ўттиз йил муддатга ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатишини ва уни ривожлантиришни ташкил этиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади.

Махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни муддатидан олдин тугатиш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритилган таклифни у келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва маъқулланган тақдирда таклифни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

21-модда. Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ёки уни тугатиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси, унда махсус иқтисодий зонанинг номи, у қанча муддатга ташкил этилаётганлиги, махсус иқтисодий зонани ташкил этиш мақсади ва унинг тури, унинг махсус ҳуқуқий режими хусусиятлари, фаолиятига оид ва тармоқ ихтисослашуви, махсус иқтисодий зонанинг умумий майдони ҳамда чегараларининг тавсифи, унинг ташкил этилишини ва ривожлантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрсатилади;

аниқ тадбирлар, бу тадбирларни амалга ошириш учун масъул шахслар ва ташкилотлар, шунингдек махсус иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурининг лойиҳаси;

махсус иқтисодий зонанинг мўлжалланган чегаралари чизиб кўрсатилган ҳолда ер-кадастр режасининг кўчирма нусхаси;

махсус иқтисодий зонанинг мўлжалланаётган чегараларида жойлашган ерларнинг таркиби, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг ва мулкдорларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) рўйхати ҳамда уларнинг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш учун ер участкаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш учун ёзма розилиги;

тегишли ҳудуддаги ижтимоий, экологик ва иқтисодий шарт-шароитларни, моддий ва меҳнат ресурслари, коммуникациялар билан таъминланганликни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган махсус иқтисодий зонани, унинг турини ташкил этиш зарурлиги ҳамда мумкинлигини асословчи бизнес-режа, шунингдек махсус иқтисодий зона махсус ҳуқуқий режимининг таклиф этилаётган ўзига хос хусусиятларининг молиявий-иқтисодий асоси;

махсус иқтисодий зона дирекцияси уставининг лойиҳаси (агар дирекция давлат муассасаси шаклида ташкил этилаётган бўлса).

Махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш зарурати ва имкониятининг асослари.

Махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

махсус иқтисодий зона бош режасининг лойиҳаси ва махсус иқтисодий зонанинг чегараларини мўлжалланаётган ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда чегаралари чизиб кўрсатилган ер-кадастр режасининг кўчирма нусхаси;

чегараларига ўзгартириш киритиладиган махсус иқтисодий зонага қўшилиши мўлжалланаётган ҳудудларда жойлашган ерларнинг таркиби, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачиларининг ва мулкдорларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) рўйхати ҳамда уларнинг ер участкаларини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига, махсус саноат зонаси бўлган тақдирда эса, ер участкаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш учун ёзма розилиги;

махсус иқтисодий зонанинг чегараларига қўшиб олиш учун таклиф қилинаётган ҳудудларда амалда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг рўйхати;

махсус иқтисодий зонанинг чегараларидан чиқариб ташлаш учун таклиф этилаётган ҳудудларда амалда фаолият кўрсатаётган махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг рўйхати (улар мавжуд бўлган тақдирда);

махсус иқтисодий зонанинг чегараларини ўзгартириш зарурати ва имкониятининг асослари.

Махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани тугатишни таъминлаш, шунингдек зарур бўлган ҳолларда махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларига кафолатлар ва (ёки) компенсацияларни тақдим этиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус иқтисодий зонани тугатиш комиссиясининг таркиби ва ваколатларини, шунингдек махсус иқтисодий зонани тугатиш тартибини белгиловчи қарори лойиҳаси;

ушбу Қонун 22-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда, махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг амалга оширилаётган ўз инвестиция лойиҳалари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатишнинг сабаблари ҳамда тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар ва умуман республика учун, махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун эҳтимолдаги оқибатлари кўрсатилган ҳолда тегишли ҳудуддаги ижтимоий, экологик, иқтисодий ва бошқа шароитларни, шунингдек тугатилаётган махсус иқтисодий зона фаолиятининг ва фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичларини батафсил таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатишнинг зарурати ҳамда имкониятининг техник-иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий асослари.

22-модда. Махсус иқтисодий зонани тугатиш учун асослар

Махсус иқтисодий зона қайси муддатга тузилган бўлса, ўша муддат тамом бўлгач, тугатилган ҳисобланади.

Махсус иқтисодий зонани муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади, агар:

буни одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат хавфсизлигини ва мамлакат мудофаасини таъминлаш зарурати тақозо этса;

махсус иқтисодий зона ташкил этилган кундан эътиборан бир йил мобайнида биронта ҳам юридик шахс мазкур махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса ва (ёки) махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан иш ўринлари яратилмаган бўлса;

махсус иқтисодий зона ташкил этилган кундан эътиборан олти ой мобайнида мазкур махсус иқтисодий зона иштирокчилари томонидан инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича фаолият амалга оширилмаган бўлса;

махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини йўқотганлиги ва мазкур иқтисодий зонанинг охирги иштирокчиси томонидан бундай мақом йўқотилган кундан эътиборан бир йил мобайнида унинг ҳудудида унинг иштирокчиси сифатида бирорта ҳам юридик шахс рўйхатдан ўтказилмаганлиги боис махсус иқтисодий зонада унинг иштирокчилари қолмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарорида белгиланган махсус иқтисодий зонани ташкил этишнинг мақсадларига эришиш бошқа сабабларга кўра имконсиз бўлиб қолган бўлса.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра махсус иқтисодий зона иштирокчиларига улар томонидан кўрилган зарар ёки бой берилган наф учун кафолатлар ва (ёки) компенсация берилади ёхуд аввал амалда бўлган тартибга мувофиқ тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолади.

Махсус иқтисодий зонани тугатиш билан боғлиқ мулкий ва бошқа масалаларни ҳал қилиш, махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчилари, бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тугатиш комиссиясини тузади, унинг таркиби ва ваколатларини белгилайди, шунингдек махсус иқтисодий зонани у муддатидан олдин тугатилган тақдирда тугатиш тартибини тасдиқлайди.

6-боб. Махсус иқтисодий зонани бошқариш

23-модда. Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари орасидан тузиладиган коллегиал орган бўлиб, унга мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, тегишли вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими бўлган раис раҳбарлик қилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши:

махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши, махсус ҳуқуқий режимга риоя этиш ва махсус иқтисодий зона иштирокчиларига кўмаклашиш билан боғлиқ масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

махсус иқтисодий зона ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини саралаб олишни амалга оширади;

махсус иқтисодий зона иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

махсус иқтисодий зонанинг муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси қурилиши бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этади;

махсус иқтисодий зона дирекциясининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчилари учун мажбурийдир.

24-модда. Махсус иқтисодий зона дирекцияси

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши ва бошқарилишини таъминлаш учун ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахсдир.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси:

махсус иқтисодий зона ҳудудида махсус ҳуқуқий режимнинг амал қилишини таъминлайди;

салоҳиятли инвесторлар ва махсус иқтисодий зона иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорликни, шу жумладан инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш ва танлаб олиш учун қабул қилишни, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур рухсатномалар беришни «ягона дарча» принципи асосида ташкил этади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилади, шунингдек махсус иқтисодий зона иштирокчилари томонидан инвестиция битимига киритилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлайди;

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрини юритади;

махсус иқтисодий зона ҳудудида экологик назорат, шунингдек маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкиллаштиради;

махсус иқтисодий зона иштирокчилари билан шартномалар асосида маркетинг хизматлари, шунингдек маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилиш бўйича хизматлар кўрсатади;

махсус иқтисодий зонага инвесторларни жалб этиш бўйича тадбирларни амалга ошириди;

инвесторларни, махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларини ахборот билан таъминлайди, шу жумладан уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашувларини ташкил этади;

махсус иқтисодий зона ҳудудидаги ер участкаларини, шунингдек бинолар ва иншоотларни махсус иқтисодий зона иштирокчиларига эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида иштирок этади.

Махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади. Мазкур тартиб махсус саноат зоналарига нисбатан татбиқ этилмайди.

Дирекция махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

25-модда. Махсус саноат зонасини бошқариш

Махсус саноат зонасини бошқариш махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг ва дирекциясининг ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлари берилган махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан амалга оширилади.

Махсус саноат зонасини бошқарувчи компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиладиган, шу жумладан чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиладиган юридик шахсдир.

Махсус саноат зонасини бошқаришнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва махсус саноат зонаси иштирокчиларига ер участкаларини бериш, шу жумладан ижара ҳуқуқлари асосида бериш масалалари юзасидан мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

объектларни қуришда халқаро стандартлар ва талабларни қўллаш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани мустақил равишда шакллантириш;

кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва етказиб берилган энергия ресурслари учун ҳисобга олишни ва ўзаро ҳисоб-китобларни махсус саноат зонаси иштирокчилари томонидан махсус саноат зонасини бошқарувчи компания билан тузилган ягона шартнома асосида амалга ошириш;

«ягона дарча» принципи бўйича лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни, шу жумладан махсус саноат зонасининг бош режасига мувофиқ бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишга тушириш, улардан фойдаланиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш учун беришни ташкиллаштириш.

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи махсус саноат зонасини бошқарувчи компания фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади ҳамда унинг бутун фаолияти ва операцияларини ўрганиш, шунингдек тегишли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Махсус саноат зонасини бошқарувчи компаниянинг молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ бўлган молиявий ахборот ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим. Аудиторлик ҳисоботлари ва аудиторлик хулосалари мажбурий тартибда махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органига тақдим этилади.

7-боб. Инвестиция буюртманомасини бериш ва кўриб чиқиш тартиби

26-модда. Инвестиция буюртманомасини бериш тартиби

Инвестиция буюртманомаси инвестор томонидан махсус иқтисодий зонанинг дирекциясига берилади. Инвестиция буюртманомасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахс уставининг ва юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхалари (инвестор – юридик шахс учун);

(Давоми 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси (инвестор – жисмоний шахс учун);

инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ёки техник-иқтисодий асоси;

инвестиция битимининг лойиҳаси.

Инвестиция буюртманомасида юридик шахсга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади, чет эл юридик шахси учун эса тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи идентификация рақамининг ўхшаши кўрсатилади.

Чет эл юридик шахслари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган, чет эл юридик шахси чет давлатнинг қонун ҳужжатларига биноан юридик шахс эканлигини тасдиқловчи легаллаштирилган ҳужжатларнинг давлат ва инглиз тилига қилинган таржимасини нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

Чет эл юридик шахслари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни легаллаштириш талаб қилинмайди, агар:

ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса;

ҳужжатлар шартлашаётган тарафлардан бирининг ҳудудида тайёрланганлиги ёхуд муассаса ёки махсус ваколат берилган шахс томонидан уларнинг ваколати доирасида ва белгиланган шаклда тасдиқланганлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган бўлса, бу ҳужжатлар бошқа шартлашувчи тарафларнинг ҳудудларида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

27-модда. Инвестиция буюртманомасини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун тайёрлаш

Махсус иқтисодий зона дирекциясига келиб тушган инвестиция буюртманомаси ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилади.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни икки иш куни ичида кўриб чиқади. Ҳужжатлар махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда қайтариб юборилади. Қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилганидан кейин инвестиция буюртманомаси махсус иқтисодий зона дирекциясига такроран тақдим этилиши мумкин.

Камчиликлар бўлмаган тақдирда, инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан экспертиза ўтказиш бўйича ваколатли давлат органига (бундан буён матнда эксперт муассасаси деб юритилади) экспертиза учун юборилади.

Экспертизани ўтказиш муддати йигирма иш кунини ташкил этади. Экспертиза жараёнида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, шунингдек унинг ушбу Қонуннинг 15–19-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Экспертизани ўтказиш якунларига кўра инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар эксперт муассасаси томонидан қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда махсус иқтисодий зона дирекциясига маромига етказиш учун қайтарилиши мумкин. Инвестор қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблари бартараф этганидан кейин маромига етказилган ҳужжатлар махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан такрорий экспертиза ўтказиш учун юборилади.

Инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни такрорий экспертиздан ўтказиш муддати ўн иш кунини ташкил этади. Бунда илгари экспертиздан ўтказилган ҳужжатларга нисбатан янги мулоҳазалар тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

Инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар эксперт муассасаси хулосаси билан бирга махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига икки иш куни ичида кўриб чиқиш учун юборилади.

Ушбу модданинг амал қилиши махсус саноат зоналарининг ҳудудларида рўёбга чиқариш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш махсус саноат зонасини бошқарувчи компания томонидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Инвестиция буюртманомасини махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқиш

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни фақат эксперт муассасасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқишга киришади.

Инвестиция буюртманомаси махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан махсус иқтисодий зона дирекцияси уни киритган кундан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш жараёнида махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвесторга инвестиция лойиҳасига ўзгартиришлар (қўшимчалар) киритишни таклиф қилиши мумкин. Бунда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг таклифлари унинг қарорида акс эттирилади. Инвестор таклиф этилаётган ўзгартиришларга (қўшимчаларга) рози бўлмаган тақдирда махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан инвестор иштирокида инвестиция буюртманомасини такрорий кўриб чиқиш амалга оширилади.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақида ёки уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Қарор махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённома махсус иқтисодий зона дирекциясининг директори, махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг раиси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини махсус иқтисодий зона иштирокчисига бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда махсус иқтисодий зона маъмурий кенгаши қарори бўйича баённома тасдиқланган вақтдан бошлаб бир кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, тегишли вилоят ҳокими ёхуд Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Баённомадан кўчирма ва ер участкасини бериш тўғрисидаги қарор нусхаси (агар бундай қарор мавжуд бўлса) инвестиция сўровномасини берган инвесторга баённома тасдиқланган кундан эътиборан бир иш куни ичида махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан юборилади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг махсус иқтисодий зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарори қуйидагилар учун асос бўлади:

инвестиция битимини тузиш;

ер участкасини ёки бўш турган (фойдаланилмаётган) бинони умумий майдони ва унинг жойлашган ерини белгилаган ҳолда ажратиш.

Тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланган тақдирда, махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишни тугатади, инвестиция буюртманомаси эса қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда инвесторга қайтарилиши лозим.

Инвестор томонидан инвестиция буюртманомасини тақдим этиш, унинг махсус иқтисодий зона дирекцияси ва маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқилиши электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши аъзолари ва дирекцияси директори ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариши муносабати билан инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларга нисбатан махфийлик сақланишига риоя этиши шарт.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарори ва (ёки) эксперт муассасасининг хулосаси устидан инвестиция буюртманомасини берган инвестор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

8-боб. Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси

29-модда. Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини олиш

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида инвестор инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида маъмурий кенгаш қарорини олганидан кейин беш иш куни ичида махсус иқтисодий зона жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ташкил этаётган тадбиркорлик субъектини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ёки инвестор томонидан илгари ташкил этилган тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этади.

Юридик шахс инвестиция битими имзоланганидан ва Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганидан кейин махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритиш учун инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона дирекциясига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини ва Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги тўловни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан икки иш куни ичида юридик шахсни Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шаклдаги махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси гувоҳномасини беради.

Махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси юридик шахс Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганидан кейин бир иш куни ичида бу ҳақда тегишли солиқ, божхона ва статистика органларини хабардор қилади.

30-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси:

махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий ҳимоя кафолатлари, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланишга;

ер участкалари, бинолар, иншоотларни фойдаланиш учун олишга, шу жумладан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш учун олишга ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун инфратузилма объектларини қуришга;

инвестиция битими ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларига мувофиқ муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан уни ўз вақтида таъминланишини махсус иқтисодий зона дирекциясидан талаб қилишга;

махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиларига кўрсатиладиган, шу жумладан шартнома асосида кўрсатиладиган барча турдаги хизмат турларидан тенг шартларда фойдаланишга;

ўз маблағлари ҳисобидан махсус иқтисодий зонанинг бош режасига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилма объектларини қуришга;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси:

қонун ҳужжатларида ва инвестиция битимида назарда тутилган мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажариши;

қонун ҳужжатлари талабларини бажариши;

инвестиция битими ва бизнес-режалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни махсус иқтисодий зона дирекциясига тақдим этиши шарт.

Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битимида назарда тутилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини инвестиция битими бўйича барча мажбуриятлар бажарилгунига қадар бошқа юридик шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси ўз фаолиятини ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек инвестиция битимига мувофиқ амалга оширади.

31-модда. Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотади:

махсус иқтисодий зона тугатилганда;

юридик шахс тугатилганда (фаолияти тугатилганда);

юридик шахснинг жойлашган жойи ўзгариб, янги жойлашган жойи махсус иқтисодий зона ҳудудидан ташқарида бўлган тақдирда;

махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганда;

махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига биноан;

махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси қайта ташкил этилган тақдирда, бундан солиқ ва божхона тўловлари бўйича бир хил имтиёзларга эга бўлган махсус иқтисодий зона иштирокчилари ўртасида амалга ошириладиган қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш мустасно.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши тўғрисидаги қарор махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси тақдимига биноан қабул қилинади.

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотганлиги тўғрисидаги қарор устидан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарорига мувофиқ махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси билан инвестиция битимини бекор қилади ва уни Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестридан чиқаради.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестридан чиқарилганидан кейин бир иш куни ичида бу ҳақда махсус иқтисодий зона иштирокчисини, махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашини, солиқ, божхона органларини ва статистика органларини, шунингдек махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органини ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотганлик санаси ва асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар бекор қилинишига олиб келади.

32-модда. Инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда юридик шахсни махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш тартиби

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда, инвестор томонидан махсус иқтисодий зона ҳудудида ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона дирекциясининг ташаббусига кўра махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги факти (бундан енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган ҳоллар, шунингдек махсус иқтисодий зона дирекциясининг айби билан юзага келган ҳоллар мустасно) аниқланган тақдирда, қоидабузарликлар ва инвестиция битимида белгиланган бажарилмаган мажбуриятлар батафсил баён этилган тегишли далолатнома тузилади, ушбу далолатнома махсус иқтисодий зона дирекциясининг вакиллари ва иштирокчиси томонидан имзоланади. Далолатномада махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаши керак бўлган муддат ҳам кўрсатилади. Бу муддат тўқсон кундан ошмаслиги керак.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тасдиқланган тақдирда, махсус иқтисодий зона дирекцияси ва иштирокчиси инвестиция мажбуриятларининг оқилона муддатларда бажарилишини таъминловчи жадвал тузади, бунда форс-мажор ҳолатлари бошланиши билан боғлиқ бўлган кечикишнинг аниқ муддатлари эътиборга олинади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддат ичида бажармаган тақдирда, дирекция махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши ҳамда махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан ёзма равишда келишиб олинганидан кейин махсус иқтисодий зонанинг иштирокчисини инвестиция битимининг бажарилмаганлиги муносабати билан уни бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Агар ўн кун ўтгунига қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилмаган бўлса, инвестиция битими бир томонлама тартибда бекор қилинган ҳисобланади.

Агар махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилган бўлса, унда инвестиция битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ келгусидаги низолар суд тартибида ҳал қилиниши лозим.

Юридик шахснинг инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомини йўқотганлиги солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилинишига, тўланмаган солиқ ва божхона тўловларининг тўлиқ ҳажмда ундирилишига ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун юридик шахсга берилган ер участкалари, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинишига сабаб бўлади.

33-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига асосан махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тартиби

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тўғрисидаги ариза махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси томонидан махсус иқтисодий зона дирекциясига берилади. Махсус иқтисодий зона дирекцияси келиб тушган аризани икки иш куни ичида махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгашига тақдим этади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини бекор қилиш тўғрисидаги ариза махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан ўн кун ичида, махсус иқтисодий зона дирекциясига моддий ёки молиявий зарар етказиш белгилари бўлган ҳолларда эса ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг қарорида махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан етказилган моддий ёки молиявий зарарнинг ўрнини қоплаш, шу жумладан махсус иқтисодий зона дирекциясининг судга мурожаат қилиши орқали қоплаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин.

Юридик шахснинг махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини йўқотиши махсус иқтисодий зона дирекциясига моддий ёки молиявий зарар етказмаган тақдирда унинг махсус иқтисодий зона ҳудудидаги фаолияти тугатилишига, шунингдек юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулк ҳуқуқларининг тугатилишига олиб келмайди. Бунда ушбу юридик шахс махсус иқтисодий зона иштирокчилари учун берилган махсус ҳуқуқий режимдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

Ушбу тартиб тадбиркорлик субъектини махсус саноат зоналарининг иштирокчиси мақомидан маҳрум қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

9-боб. Инвестиция битими

34-модда. Инвестиция битимини тузиш

Махсус иқтисодий зона дирекцияси инвестиция лойиҳасида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ инвестиция битимини тузади.

Инвестиция битими инвестор томонидан махсус иқтисодий зона маъмурий кенгашининг баённомаси (ундан кўчирма) олинганидан кейин инвестор ва махсус иқтисодий зона дирекцияси директори томонидан уч иш куни ичида имзоланиши керак.

Инвестиция битими инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган санадан эътиборан кучга киради.

35-модда. Инвестиция битимининг амал қилиш муддатини узайтириш

Инвестиция битими махсус иқтисодий зона дирекцияси томонидан махсус иқтисодий зона иштирокчисининг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Ариза махсус иқтисодий зона иштирокчиси томонидан инвестиция битимининг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин берилади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчисининг инвестиция битимининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризасига махсус иқтисодий зонада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасининг уни амалга оширишни давом эттириш зарурлиги ҳақидаги асослантиришни ўз ичига олган бизнес-режаси илова қилинади.

36-модда. Инвестиция битимининг амал қилишини тугатиш

Инвестиция битимининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

инвестиция битимининг амал қилиш муддати тугаганда;

юридик шахс махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда;

махсус иқтисодий зона муддатидан олдин тугатилган тақдирда;

қонун ҳужжатларида ёки инвестиция битимида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг махсус ҳуқуқий режими

37-модда. Махсус ҳуқуқий режимнинг ўзига хос хусусиятлари

Махсус иқтисодий зоналарда махсус божхона, солиқ режими, шунингдек фуқароларнинг кириш, чиқиш ва бўлиш режими, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятини амалга ошириш шартлари ҳамда инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва махсус иқтисодий зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган бошқа режим ўрнатилиши мумкин.

Махсус ҳуқуқий режим қонунлар ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ўрнатилади.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган имтиёзлар фақат махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятга нисбатан қўлланилади.

Махсус иқтисодий зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган чет эл инвесторлари ўзига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

38-модда. Махсус божхона режими

Махсус божхона режимида қуйидагилар назарда тутилади:

божхона тўловлари ставкаларини вақтинча бекор қилиш ёки пасайтириш;

экспортга ёки импортга нисбатан нотариф чекловларни бекор қилиш, енгиллаштириш.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан экспорт қилинаётган ёки импорт қилинаётган товарларни божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолдаги божхона расмийлаштируви қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Махсус иқтисодий зона ҳудудида махсус божхона режимини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус божхона режими товарларнинг махсус иқтисодий зоналар ҳудуди орқали транзит қилинишига нисбатан татбиқ этилмайди.

Махсус божхона режими рақобатсиз муҳитни шакллантиришга олиб келмаслиги керак.

39-модда. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари солиқ бўйича имтиёзлардан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда фойдаланади.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан қўшимча қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно);

тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда божхона тўловларини (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно).

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда божхона тўловлари (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно) тўланмайди.

Махсус иқтисодий зона иштирокчилари товарларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлаши мумкин.

Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни эркин иқтисодий зона иштирокчисига етти кун давомида соддалаштирилган тартибда қоплаб берилади.

Тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси махсус иқтисодий зона иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қоплаб берилади.

40-модда. Махсус иқтисодий зоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш

Махсус иқтисодий зоналардаги меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, жамоа шартномалари (келишувлари) ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномалари (келишувлари) ва якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) махсус иқтисодий зоналар ҳудудларида ташкил этиладиган юридик шахслар ходимларининг ҳаволини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси қўшилган конвенцияларида назарда тутилган шартларга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас.

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этиладиган юридик шахсларнинг ходимлари штатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ходимлар умумий сонининг камида тўқсон фоизини ташкил этиши керак.

41-модда. Махсус иқтисодий зона дирекциясининг бюджети

Махсус иқтисодий зона дирекцияси махсус иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши томонидан ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметаси шаклида тасдиқланадиган мустақил бюджетга эга бўлади.

Махсус иқтисодий зона дирекциясининг даромадлари Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритганлик учун олинадиган тўловлардан, махсус иқтисодий зона дирекциясининг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ер участкаларини фойдаланишга беришдан, бинолар ҳамда иншоотларни ижарага топширишдан, шартномалар бўйича хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлардан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Махсус иқтисодий зона шакланиш босқичида ўз харажатларини ўзи қоплайдиган бўлгунига қадар, лекин уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга махсус иқтисодий зона дирекцияси таъминоти учун республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағлар, ссудалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағлар жалб қилиниши мумкин.

11-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Махсус иқтисодий зона иштирокчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари

Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан кафолатланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгарганда махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари имтиёзлар амал қилиш муддати давомида, лекин ўн йилдан ошмаган муддат ичида солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлаш бўйича улар Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган санада амалда бўлган нормалар ва қоидаларни қўллашга ҳақлидир, бундан акциз тўланадиган товарларга солиқ солинишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг нормалари ва қоидалари мустасно.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари экспорт қилинадиган ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзига қулай бўлган шарт-шароитлардан, тўлов шаклларидан ва ҳисоб-китоблардан фойдаланишга ҳақли.

Махсус иқтисодий зоналарда махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлар ва имтиёзларга риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар берилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахслар томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаолиятига асоссиз аралашганлик натижасида уларга етказилган зарарларнинг, шунингдек бой берилган фойда ва маънавий зиённинг ўрни суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши лозим.

43-модда. Низоларни ҳал этиш

Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил этиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44-модда. Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

45-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги 220–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 58-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 482–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **XV бўлими**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–11-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **3-моддаси**;

(Давоми 4-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **11-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ-224-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 338-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **10-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **20-моддаси**.

46-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

47-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

48-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида мазкур Қонун кучга киргунга қадар эркин иқтисодий зоналар дирекциялари томонидан рўйхатга олинган ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар улар тақдим этилган муддат тугунига қадар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 февраль
№ ЎРҚ—604

Ўзбекистон — Туркия:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ўзаро муносабатларида ҳамкорликни парламентлараро ташрифлар орқали фаоллаштириш, қўшма тадбирлар ўтказиш, савдо-сармоявий шериклик учун янги имкониятлар очиш, халқаро ҳамкамият кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бирига айланди. Буни юртимизда ўз бизнесини йўлга қўяётган Туркия ишбилармонлари сафи кенгайиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Хусусан, 2017 — 2019 йилларда Ўзбекистонда ҳамкор мамлакат сармояси иштирокидаги 750 та корхона рўйхатдан ўтиб, уларнинг умумий сони 1 140 дан ошди. Бу, ўз навбатида, ўзаро савдо айланмаси ҳажми ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2017 йил мамлакатларимиз савдо айланмаси 1,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 2 миллиард 200 миллион доллардан ошди. Ўтган йилда эса ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард долларга етди. Қайд этиш керак, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлислари бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Туризм, маданий-гуманитар муносабатларда ижобий ўсишни таъминлаш Ўзбекистон ва Туркия халқлари ўртасидаги мулоқотни янада фаоллаштиришнинг муҳим жиҳатидир. Қардош мамлакат санъаткорлари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчилари ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи маротаба ўтказилган Халқаро маком санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати ва Халқаро ҳунармандчилик фестивалларида Туркия вакиллари фаол қатнашиб келмоқда. Мамлакатимизда кенг нишонланадиган "Наврўз" умумхалқ байрамининг ушбу давлат телевидениеси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилиши илдизлари бир халқлар муштараклиги намунасидир.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгаши таъсис этилиши ва илк йиғилишининг ўтказилиши эса халқларимиз манфаатлари йўлидаги ўзаро муносабатларни кенгайтиришни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кенг қамровли йиғилишда ўзаро ҳамкорликнинг сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларга доир барча масалалари атрофлича муҳокама қилинади. Шериклик алоқаларининг жорий ҳолати холисона баҳоланиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинади.

Музокараларда долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, шу жумладан, Афғонистонда тинчликка эришишга кўмаклашиш, шунингдек, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Кенгаш йиғилиши якунида мамлакатларимиз стратегик шериклигини амалий мазмун билан бойитишга қаратилган Қўшма баёнот имзоланиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Туркия Президенти кутубхонаси мажмуасининг расмий очилиш маросимида нутқ сўзлаши кутилмоқда. Бу икки халқ маънавий яқинлиги, давлат раҳбарларининг илм-маърифатга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратишининг яққол ифодасидир.

Ушбу кутубхона Туркия Президенти комплексидан жой олган бўлиб, икки йил давомида бунёд этилган. Ўзига хос меъморий ечимга эга бино қурилишида тарихий ва замонавий меъморчилик услубларидан кенг фойдаланилган. Ўн бир қаватдан иборат бинонинг умумий майдони 120 минг квадрат метрни ташкил қилади. Кутубхона фондларида Туркия маданияти, илм-фани, санъати билан бирга, дунё тамаддуни ва маданиятининг нодир асарлари, қадимий қўлёзмалар, замонавий илм-фан тараққиётига оид асарлар жой олган.

Президентимизнинг ушбу йирик тадбирга олий мартабали фахрий меҳмон сифатида таклиф этилиши келажак авлоднинг маданий ва маънавий камолотида, давлатлар ривожланишидаги аҳамиятида илм-фан ва таълимнинг тутган ўрнини теран англашдаги бирдамликдан далолатдир.

Туркий халқлар маънавий бешиги сифатида улуғланадиган Ўзбекистон бугун ривожланишнинг янги марралари сари дадил одимламоқда. Бунда стратегик шерик ва қардош давлатлар, хусусан, Туркия билан ҳамкорлик устуворлик касб этади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи ҳам шу каби мақсадларга қаратилган бўлиб, икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлидаги эзгу интилишлар рўёбига хизмат қилади.

«Дунё» АА.

Янги Ўзбекистон — янги парламент

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА МОС ҲОЛДА ИШЛАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутатлари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Парламент юқори палатаси Раиси ўз нутқида Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган, депутатлар олдида турган вазифаларга тўхталди. Хусусан, у депутатлар одамлар ташвишлари билан яшаши, муаммоларини билиши ва уларни ҳал қилишга ёрдам бериши кераклигини таъкидлади. Бугунги кунда барча бўғиндаги вакиллик органлари — вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари ўз фаоллигини кучайтириши шарт ва зарур. Шунингдек, Кенгашнинг доимий комиссиялари аъзолари ўз ишига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириши керак. Биз буюк келажаги бор давлат қураётганимиз учун халқ вакилларининг асосий диққат-эътибори доимо халқ фаровонлигини оширишга қаратилиши керак, дея айтиб ўтди ўз сўзида.

Сенат Раиси ҳар ойда давлат идоралари раҳбарларининг фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, шунингдек, қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилишини қайд этди. Фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарлар тегишли тартибда огоҳлантирилади.

Шунингдек, ўзаро мулоқот жараёнида парламент фаоллигини ошириш, жумладан, парламент сўрови, жамоатчилик назорати, кам таъминланган оилаларга эътибор ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан конструктив суҳбат ва фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари Нусратулла Пардаев, Холида Алимова, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр ва таклифларини билдирдилар. Улар ўз сайловчиларининг ишончини оқлаш учун барча имкониятларни ишга солишлари хусусида айтиб ўтишди.

АЙРИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИЛДИ

Сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари йиғилишларида қонун лойиҳалари муҳокамаси жуда қизғин ўтди.

Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси иккита қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан чиқариш таклиф берди.

"Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишда депутатлар унда аввалги кўринишдаги кодекснинг нормалари сақланиб қолаётганлиги ҳамда ҳозирги шаҳарсозликдаги аҳолининг реал муаммоларига ечим бўлувчи моддалар акс эттирилмаганлигини таъкидладилар. Шунингдек, ушбу ҳужжат устида янада чуқурроқ ишланиши кераклиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар ва жамоатчилик билан кенг муҳокама этиб, таклифлар олиниши зарурлиги айтиб ўтилди. Бу борада фракция ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудудларда ўрганишлар ўтказиши ва якуний хулосалар билдириши қайд этилиб, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан чиқариш таклифини илгари сурди.

"Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида таъкидланганидек, унда қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошлар давлат эгалигида бўлгани сингари юридик ва жисмоний шахслар эгалигида ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин улардан фойдаланишнинг тавсифи ҳамда хусусияти ҳисобга олинганда, кўпроқ қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар давлат томонидан тартибга солиниши кўзда тутилган.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари учун кўпроқ эркинлик ва имкониятлар беруви қонун бўлиши кераклигини қайд этиб, лойиҳани соҳа мутахассислари билан биргаликда буткул қайтадан ишлаб чиқиш лозим, дея фикр билдиришди. Хусусан, қонун лойиҳасида белгиланган асосий тушунчаларда номувофиқликлар мавжудлиги сабабли уларнинг миқдорини қисқартириш, баъзиларини чиқариб ташлаш ҳамда бир нечтасини алоҳида моддада кўрсатиб ўтиш таклифи берилди. Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмади ва қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан чиқариш таклифи билдирилди.

«Халқ сўзи».

ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШИДА ПАРЛАМЕНТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

14-15 февраль кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Спикер Н. Исмоилов раҳбарлигида Қашқадарё вилоятида бўлиб, фуқаролар, ёшлар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ходимлари билан учрашувлар ўтказди.

Халқ билан мулоқотнинг асосий мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда мамлакат раҳбари томонидан Ўзбекистонни ривожлантириш истиқболларига оид илгари сурилган ташаббуслар бўлди.

Фан, таълим равнақи ва рақамли технологиялар

Қашқадарё вилоятида ўтказилган учрашувлар доирасида депутатлар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабалари ва профессор-ўқитувчилари билан учрашди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда қайд этилган муҳим вазифалар ҳақидаги маърузасини институт ходимлари ҳамда талабалар катта эътибор ва ҳаяжон билан тингладилар. Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан жорий йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинишини мамнуният билан қўллаб-қувватлашганини, шу билан бирга, унинг амалга оширилишида фаол иштирок этиш нияти борлигини билдиришди.

Учрашувда ёшлар меҳмонларни ўз институти фаолияти, эришилаётган муваффақиятлар, хусусан, 58460 та ўқув ва илмий адабиётларга эга электрон кутубхона билан таништирди. Юқори тезликдаги интернет, Wi-Fi да фойдаланиш имконияти институтда таҳсил олаётганларга ўзларининг илмий ишлари учун зарур бўлган ахборотни излашга шароит яратмоқда. Институт олими Беҳзод Очилов томонидан яратилган электрон минбар улардан бири ҳисобланади.

— Бугун давлатимиз раҳбари томонидан таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори Юлдуз Эргашева. — Ўзбекистон халқи, шу жумладан, биз, ўқитувчилар мамлакатимиз Президентининг Мурожаатномасини қизиқиш билан кутдик ва давлатимиз раҳбарининг илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ташаббусини хурсандчилик билан қарши олдик. Мурожаатномада таъкидланганидек, биз ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Ва бу бизнинг олий ўқув юртимизнинг ўқитувчилари олдида биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Парламент қуйи палатаси аъзолари билан учрашувда биз кўпгина фойдали ахборотга эга бўлдик. Ўйлаймизки, бизнинг миллий парламентимиз аъзолари билан узвий ҳамкорликда ишлашимиз анъанага айланади.

— Биз бугун депутатларнинг "Таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасини жойларда кенг муҳокама қилаётганидан мамнунмиз, — деди ёш олим Хайрулла Давлонов. — Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларимизни билдирдик. Институтимиз ўқитувчилари Президентимизнинг номутахассис фанлар сонини икки баробар қисқартириш ҳақидаги ғояларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, бу ўз касбини мукаммал биладиган мутахассислар тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлик кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоиловнинг халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари билан учрашувида Мурожаатномада белгиланган вазифалар хусусида сўз юритилди. Айни чоғда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш борасидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг аҳоли мурожаатларини ҳал этиш бўйича ҳисоботларини парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида мунтазам эшитишни тизимли йўлга қўйиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Учрашув қатнашчилари жойларда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш ва бошқалар бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳимлигини таъкидлашди.

— Мазкур учрашув маҳаллий Кенгаш депутатлари, фуқаролик жамияти институти вакилларининг Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўзаро ҳамкорлигини рўёбга чиқаришда фойдали ва биз ушбу амалиётни кенгайтиришимиз зарур, — дейди маҳаллий Кенгаш депутати Шарофат Ашурова. — Парламент гуруҳи қисқа, аммо сермазмун тадбирлар доирасида вилоятимиз аҳолисига кенг қўламдаги ахборот-тушунтириш ишларини олиб боришди. Учрашувда мамлакатимизнинг жорий сиёсий йўли нақадар тўғри ва аҳамияти муҳимлигига, одамларни қийнаётган масалаларга ўз вақтида ечим топишга эътибор қаратилди. Оддий ва самимий руҳда ўтган учрашувларда улар мамлакатимизнинг ҳозирги сиёсий йўлининг асосий йўналишларини фойдали ва ҳар томонлама ёритиб олишди, фуқароларни безовта қилаётган муаммолар юзасидан жавоблар қайтардилар, керак бўлса, уларнинг ечимига ёрдам беришди.

— Мен анча йиллардан бери туризм соҳасида фаолият юритиб келаман, — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Ўктам Хўжаёров. — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери билан кечган учрашувда тадбиркор сифатида ўзимни анча вақтдан бери қийнаб келаётган — меҳмонхонага жойлашадиган ҳар бир сайёҳ учун туризм йиғимини пасайтириш масаласини кўтардим. Бу Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан кўриб чиқиладиган бўлди.

Халққа яқин бўлиш — устувор мезон

Парламент гуруҳи халқ депутатлари Қосон тумани Кенгаши депутатлари билан биргаликда фуқароларнинг мурожаатларига муносабат билдириш, "сайловчилар билан қайта алоқа" механизмларининг самарадорлигини таъминлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни ечишда ҳамкорликни таъминлаш масалалари бўйича амалиётни ўрганишди.

Таъкидланганидек, депутатлар ўзининг сайловолди ваъдалари бажарилишини таъминлаш мақсадида "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши зарур.

— Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмаган, улар ҳамма нарсани туман ҳокимига ташлаб қўйган, — дейди халқ депутатлари Қосон тумани Кенгаши депутати М. Мўминов. — Бугун биз сайловчилар билан, уларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш, манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бошқача ишлашимиз керак. Бизнинг фаолиятимиз негизида халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш масаласи устуворлик касб этиши лозим.

Учрашувларда иштирокчилар томонидан умумий стратегик вазифамиз — халқимизнинг фаровонлигини юксалтиришда барча давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган истиқболдаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН НОҚОНУНИЙ БИНОЛАР БУЗИЛАДИ, АММО...

Сурхондарёнинг Олтинсой туманида фуқаролар ва ички ишлар ходимлари ўртасида 14 февраль куни келиб чиққан жанжал ҳақидаги муносабатлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Унга кўра, "Оқ-олтин манзараси" фермер хўжалигига қарашли пахта ва ғаллага мўлжалланган экин ер майдонининг жами 0,39 гектари 6 нафар фуқаро томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда эгаллаб олингани, 235,35 кв.м. майдонда эса яшаш имконияти бўлмаган уй-жой бинолари қуриб олингани аниқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан ноқонуний қурилган уй-жойларни бузиб олишлари тушунтирилганида, аввалдан тўпланиб турган фуқаролар ҳокимият вакили ва ИИБ ходимларига қаршилик кўрсатишган.

Ҳокимият вакиллари ва туман ИИБ ходимларининг тушунтиришига қарамасдан, фуқаролар ҳокимият вакиллари ва ИИБ ходимларига қўлларидаги нарсалар билан ташланган. Ноқонуний равишда қурилган уй-жойларнинг ишчи гуруҳ томонидан бузилишига имкон бўлмаган.

Ҳозирги кунда Олтинсой тумани прокуратураси ҳолат юзасидан терговга қадар текшириш ҳаракатларини олиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Одилжон Иминов ушбу воқеа юзасидан ўз фикрларини билдирди:

— Олтинсой туманида аҳоли ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида юзага келган келишмовчиликларнинг асосий сабабларини ўрганиш, албатта, Олий Мажлис Сенатининг ҳам вазифасидир. Мен ўзим юқори палатанинг аъзоси сифатида Сурхондарё вилоятига бириктирилганман.

Биз вилоятнинг Олтинсой туманига бевосита бириктирилган сенатор Баҳодир Қодиров билан боғландик. Ва у ҳозир воқеа жойининг ўзида бўлиб турибди.

Маълум бўлишича, ҳудудларда аввалги йиллар давомида кимдир маҳалласидан тегишли ерни, кимдир эса ён-атрофида озгина бўш турган майдон бўлса, "фарзандларимга уй қиламан", деб олган. Уйлар қурилган. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларини қонунийлаштириш учун Президентимизнинг тегишли қарори билан 2019 йилнинг 1 май санасига қадар муҳлат берилган эди. Бунда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга "амнистия" эълон қилиш назарда тутилган.

Энди Олтинсойдаги ҳолатни кузатадиган бўлсак, уни мутасаддиларнинг ўз вазифасига нисбатан совуққонлиги, очкўзлиги, коррупционерлиги каби бир неча омилларнинг натижасида юзага келган ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Яъни 2019 йилнинг биринчи майидан деярли бир йил вақт ўтган бўлса-да, улар аҳоли томонидан суғориладиган ерларга уй қилиб олишларига "панжа ортидан" қарашган.

Бундан аҳоли ўзича хулоса чиқариб, ҳокимият барибир ҳужжат қилиб берар экан, деган мақсадда ерни олиб, уй-жойини қуриб кетаверган. Ер эгаси бўлган фермер хўжалиги раҳбарининг масъулиятсизлиги, туман ҳокимлиги, бошқа ҳудудий бошқармалар раҳбарияти — ҳаммаси, наҳотки, бу ҳолатдан бехабар бўлганлар?

Шу пайтга қадар "Сенинг ҳужжатинг йўқ, нега қурилиш қиляпсан?", деган одам бўлмаган. Қўлимиздаги маълумотларга кўра, Олтинсой туманидаги Халқобод маҳалласида олтита хонадон эгалари ўзига тегишли бўлмаган суғориладиган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилиб турган экин майдонларига уйлар қуриб олишган.

Бу жараёнлар айни пайтда прокуратура органларининг тўлиқ назоратига олинган. Ҳамма масалага ойдинлик киритилади.

Лекин ўртада юзага келган ҳолат жуда ачинарли.

Энг ёмони, уларга компенсация тўлаш учун ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Чунки уларнинг қўлида тегишли ҳужжати йўқ. Қарорсиз, даланинг ўртасида уйлар қурилган.

Мен бу ерда асосий сабаб мутасадди органларнинг масъулиятсизлигида, деб биламан. Чунки уй бирданига қурилмаган, аввало, фундамент қўйилган, ғиштини қўйган, маълум бир вақт ўтган. Фермер хўжалиги, ҳокимият, маҳалла, кадастрдаги ходимлар шу давр мобайнида наҳотки бу ердан ўтишмаган?!

Агар масъул органлар ходимлари одамларнинг ноқонуний қурилиш қилаётганига қарши адолат билан курашганида, у даланинг ўртасига уй қураман, деб шаҳал тўкканидаёқ, жараён тўхтатилар эди. Токи "Ҳей, фуқаро, сен бу ерда ноқонуний қурилиш қиляпсан, бу ерлар фермерга тегишли", деганда, бу тўғри бўлар эди. Лекин афсуски, бу жараён одамлар қўлидаги пулини сарфлаб, қурилиш қилиб бўлганидан кейин бошланяпти. Мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги, одамлар билан ўз вақтида тушунтириш ишларини олиб бормагани сабабли мазкур зиддиятли вазият юзага келган.

Айни пайтда сенаторлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг яқин ҳамкорликда иш олиб бориши йўлга қўйилмоқда. Айнан Олтинсойдаги масала ҳам бу борада ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар кўплигини кўрсатмоқда. Чунки маҳаллий Кенгашларда бу масала кўрилганида, депутатлар томонидан мазкур ҳудудда уйлар қурилиши ноқонуний эканлиги айтиб ўтилганида ва тегишли тартибда огоҳлантирилганида, масала бу қадар чуқурлашиб кетмаган бўлармиди?..

Бу ҳам биздан ўз ишимизга нисбатан янада масъулиятни оширишни, жойларда депутатлик корпуси ва жамоатчилик назоратини кучайтириш устида тизимли ишлар олиб боришимиз кераклигини кўрсатади.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТНОМА — 2020

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1

Жамоатчилик назорати — олий ҳакам

Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсуниш, меъёрларга амал қилишга мажбурдир. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва жавобгарликка тортади.

Давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларига хизмат қилиши, эркин мулоқот, фикрлар, баҳс-мунозаралар, блогерлик ҳаракати бугунги ҳаётимиз учун одатий ҳолга айланди.

Фуқаролик институтлари жамиятни демократлаштириш жараёнини "қуйидан", омма ичидан туриб кучайтириш имкониятларига эга, ижтимоий муносабатларни тараққий эттириш, фуқаровий қадриятлар устуворлигини қарор топтириш, фуқароларда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳокимиятга таъсир кўрсатишга қодир эканликларига ишонч уйғотиш қудратига эга.

Мурожаатномада нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтириш лозимлигига урғу берилди.

Юқоридагилар фуқаролик жамиятининг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашда муҳим асос бўлади. Бу одамларнинг кайфияти, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлаш, қонунийлик ва ижтимоий адолат, жамиятда манфаатлар мувозанатини самарали таъминлашга замин яратади.

«Жамоатчилик маъқул деса — маъқул, номаъқул деса — номаъқул»

Жамоатчилик назорати фуқаролар фаоллиги билан боғлиқ. Инсон сиёсий ижтимоийлашув жараёнини бошидан кечирар экан, унда табиий равишда сиёсий жараёнларда иштирок этишга иштиёқ вужудга келади. Жамиятдаги муаммоларнинг кўпайиши эса, фаол фуқароларни янада дадил бўлишга ундайди, кундалик муаммоларни бартараф қилган ҳолда умумхалқ аҳамиятига эга бўлган масалаларга эътибор қаратишга жалб этади. Шу боисдан мамлакатимиз Президенти Мурожаатномада **"Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса — маъқул, номаъқул деса — номаъқул бўлади"**, дея таъкидлади.

Шу нарса эътиборга лойиқки, жамоатчилик эшитуви институти жадал ривожлана бошлаганига эндигина уч йил бўлди. Шу йиллар мобайнида ҳокимлар ҳамда бошқа сектор раҳбарларининг маҳаллаларда ҳисобот беришлари, вазир ва бошқа соҳа мутасаддиларининг Олий Мажлисга ҳисоботи сингари жамоатчилик эшитувлари амалиётга кириб улгурди. Аммо бу эшитувларнинг ягона стандарти, низоми ва тартиби белгиланмаган. Жамоатчилик эшитуви институтига қўйилаётган юксак талаблар унинг фаолиятини такомиллаштиришни кун тартибига қўяди.

Ушбу вазифалар ижроси жамиятнинг ўзини ўзи ривожлантириш имкониятлари ва тенденциясини кучайтиради. Энг асосийси, ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини оширади ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ваколат ва масъулиятини кенгайтиради.

Давлат бошқарувида туб ўзгаришлар

Барчамизга маълумки, кейинги уч йилда Ўзбекистонда давлат бошқарувининг деярли барча соҳасида янгича тизим асосида халқ манфаатларини тўлақонли қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ўтган даврда ҳаётга татбиқ этилган ишларни танқидий таҳлил қилиб, давлат бошқаруви тизими тўғрисида қатор фикрларни айтиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан ишнинг самарасини ошириш мақсадида Президент маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни таклиф қилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг **300** га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан **175** таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга

ўтказишни таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш топширилди.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, саҳрода юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар — қум-туз кўчишининг, саҳро кенгайишининг олдини олиш мақсадида 500 минг гектар майдонда ўрмонзор барпо этилмоқда. Бу эса ушбу минтақа аҳолисининг саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлардандир.

Бундан ташқари, аҳолининг кам даромадли қисми учун мақсадли дастурларни жорий этиш асосида камбағалликни камайтиришнинг асосий вазифа сифатида белгиланганлиги диққатга сазовор. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этганлигида улкан маъно мавжуд.

Шундай қилиб, жамият ва давлатнинг барча соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Улардан кўзланган асосий мақсад инсоннинг фаровон яшашига эришиш, унинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

«Жамият — ислоҳотлар ташаббускори»

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жамият ривожи йўлидаги "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажагимиз", "Ёш китобхон" каби ташаббуслари ташаббускорликнинг оммавий ҳаракатга айланишини тезлаштирди. Президентимиз бошлаган эзгу саъй-ҳаракатлар тараққиёт генератори сифатида жамиятни янгича руҳда жонлантириб юборди.

Илгари ислоҳотлар фақат қандайдир шахслар билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин қилинган бўлса, бугун давлатимиз раҳбари ислоҳотларнинг самараси бутун жамиятнинг масъуллигига халқни ишонтирди. Бугун Ўзбекистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, юз берган ҳар қандай воқеа, хоҳ у ижобий, хоҳ салбийлигидан қатъи назар, бутун мамлакат бўйлаб зудлик билан ёйилмоқда. Ютуқ бўлса бутун халқ қувонмоқда, муаммоларга эса барча муносабат билдирган ҳолда ечим топиляпти. Мана шу ҳолат ижтимоий жипсликни таъминлаётган ислоҳотларнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим. Ҳеч шубҳа йўқки, бундан кейин ислоҳотлар ва янгиланишларнинг, шиддатли кечаётган тараққиётимизнинг асосий вазифасини ўтамоқда.

Бугунги ахборот асрида ва жаҳон иқтисодий ҳамда сиёсий интеграциялаш жараёнида илм-фан ривожига юксак даражада эътибор бермаган давлат охир-оқибат ривожланган давлатлар олдида иқтисодий ва кейинчалик сиёсий қарамликка мубтало бўлади.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида замонавий фан масканлари барпо этиш, университетлар сонини кўпайтириш ва 2030 йилга бориб олий таълим муассасаларига умумий ўрта таълим битирувчилари қамровини 50 фоизга чиқаришга алоҳида урғу берди.

Юқоридаги эзгу мақсадлар рўёби жамиятимизда инсон капиталининг юксалишига, унинг баркамоллигига ишончли кафолат бўлиб хизмат қилади.

Замонавий бошқарув асоси нимада?

Замонавий бошқарув жараёнларида мураккаб кибернетика компьютер-дастурлаштириш аппарат тизимини моделлаштириш, юқори босқичли имкониятлар билан таҳлилни амалга ошириш ва камчиликларни баҳолаш, когнитив функцияларни (ижодий ёндашув, позитив ва мустақил фикрлаш) татбиқ қилишга тайёрликни тақозо этади.

Президентимиз Мурожаатномада "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурини ишлаб чиқиш борасида вазифаларни белгилади. Бу борада, албатта, "сифатли" ва "ақлли" бошқарувни тартибга солиш ҳамда унга ўтишни йўлга қўйиш керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди.

Жойларда Кенгашлар фаолиятини жонлантириш ҳамда назорат функциясини кучайтириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан муносабатда депутатлар сўровининг ўзи етарли бўлмаслиги, шунинг учун Кенгаш сўрови амалиётини жорий этиш маҳаллий ижро органларининг ҳисобдорлик масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шубҳасиз, замонавий давлатчилик замонавий технологияларга асосланади. Бу эса барчамиздан юксак билим ва технологик саводхонликни талаб қилади. Айниқса, бошқарув жараёнларининг илғор технологиялар асосида ташкил этилиши унинг сифати ва самарадорлигини таъминловчи асосдир.

Юксалиш драйвери

Мурожаатномада тарихдан жамият тараққиётининг асосини бевосита фуқароларнинг яратувчанлик фаолиятига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланади. Зеро, буюк империяларнинг вужудга келиши ва уларнинг узоқ муддат жаҳон саҳнасида тура олганлиги ҳамда дунё сиёсатини белгилаб берганлигининг бош омили илм бўлган. Мазкур давлатларнинг тараққиётга ва буюк давлатчилик тизимини шакллантириш даражасига кўтарилишини айнан илм-фаннинг самарали жорий этилганлигида кўришимиз мумкин.

Бунга мисол сифатида Юнон ва Рим империяларида олимларга берилган юксак мақом ҳамда уларга яратилган шароитлар, Хоразмшоҳлар давлатида бунёд этилган Маъмун академияси, Ғазнавийлар давлатида саройга жалб қилинган ўз даврининг буюк алломалари, Амир Темурнинг олим ва мутафаккирларга кўрсатган алоҳида юксак эҳтироми ва уларга яратилган шароитларни келтиришимиз мумкин. Янги Ўзбекистонимизда илм-фан барча ислоҳотлар ва янгиланишларнинг, шиддатли кечаётган тараққиётимизнинг асосий вазифасини ўтамоқда.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда инсон капиталига катта эътибор қаратилмоқда. Инсон капиталини ривожланиш даражасини баҳоловчи мезонлардан бири, бу — мамлакатдаги таълим сифати. Сўнгги йилларда таълим йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, Президентимиз томонидан ёшлари олий таълим билан қамраб олишни кучайтириш, юқори талаб даражасида бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида, 2019 йил ҳолатига кўра, университет ва институтлар сони 117 тага етказилди. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятининг берилиши уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ёшлар учун муҳим бўлган олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бутунлай шаффофлик асосида ўтказилаётгани катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ёшларнинг бандлик масаласидир. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан "Ёшлар — келажагимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор", Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилани мустаҳкамлаш дастурлари қабул қилинди.

Бир миллион дастурчи

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Президентимиз Мурожаатномада дунё ривожи замонавий ахборот технологиялари ва уларнинг яратувчиларига бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги дунёда, тўртинчи саноат инқилоби ҳукмрон бўлаётган воқелигимизда, ишлаб чиқаришга киберфизик тизимлар жорий этилиши, ҳаётимизга кириб бораётган сунъий тафаккурни ҳисобга олсак аҳолимизни, айниқса, ёш авлодни истиқболдаги иш бозорида харидор талаб иш кучи бўлишига имкон яратишимиз жуда зарурдир.

Ҳосил ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ёшларни ўқитиш, катталарни қайта тайёрлаш орқали катта ҳажмдаги маълумотлар (Big DATA), интернет нарсалар (Internet of things), 3D чоп этиш, сунъий интеллект, блокчейн технологиялари, виртуал реалликдан оқилона фойдалана оладиган, уларни яратадиган инсонларни тарбиялашимиз бугунги кун заруратидир. Рақамли иқтисодиётни, логистика ва ишлаб чиқариш соҳасида автоном роботларни, кишлоқ хўжалигида дрон ва сенсорларга асосланган янги технологияларни ким яратади? Албатта, шу ёшларимиз! Шу ўринда мамлакатимизда "One million Uzbek Coders" лойиҳаси ишга туширилгани, 1 миллион дастурчини масофавий ўқитиш имконияти яратилгани таҳсинга лойиқ. Лойиҳанинг асосий мақсади — рақамли технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш. Уларга дастурлаш бўйича керакли билим ва кўникмалар беришдир.

Бир миллион дастурчиларни тайёрлаш лойиҳаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиб, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби олим, педагог, талаба ва ўқувчиларининг ижодий ҳамкорлигида амалга оширилади. Шунга мувофиқ, лойиҳанинг бажарилиши янги Ўзбекистон дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Канада, Ҳиндистон сингари дастурлар экспорт қилувчи давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлайди.

Тадбиркорликка кенг йўл

Мурожаатномада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ислоҳотларнинг энг долзарб масалалари сифатида бир неча бор таъкидланди.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олди олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — бизнес-омбудсман иш бошлади. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикада қулай ишбилармонлик шароитлари яратилмоқда.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида, Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш — 2020" ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди.

Шубҳасиз, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилаш бўйича ислоҳотларнинг давом эттирилиши Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ўстириш юзасидан вазифалар изчиллигини таъминлаш имконини беради.

2020 йил ёшлар ҳаётида туб бурилиш йили бўлади

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда инсон капиталига катта эътибор қаратилмоқда. Инсон капиталини ривожланиш даражасини баҳоловчи мезонлардан бири, бу — мамлакатдаги таълим сифати. Сўнгги йилларда таълим йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, Президентимиз томонидан ёшлари олий таълим билан қамраб олишни кучайтириш, юқори талаб даражасида бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида, 2019 йил ҳолатига кўра, университет ва институтлар сони 117 тага етказилди. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятининг берилиши уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ёшлар учун муҳим бўлган олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бутунлай шаффофлик асосида ўтказилаётгани катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ёшларнинг бандлик масаласидир. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан "Ёшлар — келажагимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор", Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилани мустаҳкамлаш дастурлари қабул қилинди.

Кучли демократик институтларни шакллантириш

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини қатор йўналишларда кўриш мумкин.

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат бирлашмаларининг бирламчи ва асосий функцияси уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишида намоён бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларни амалга оширади.

Учинчидан, жамоат бирлашмаларининг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказади.

Шунингдек, жамоат бирлашмалари миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам Президентимиз Мурожаатномада жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ғоясини илгари сурди.

Ушбу тажриба ривожланган давлатлар амалиётида кенг тарқалган бўлиб, шу каби тузилмалар давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этади. Бу эса фуқаролик жамияти институтлари фаолият самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини кучайтириб, уларнинг қабул қилинаётган муҳим қарорларда ўз фикри билан қатнашиш имкониятини оширади.

Аёллари эъзоз топаётган Ватан

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада мамлакатимиздаги ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни янада янги босқичга кўтаришга қаратилган ўзгаришларда хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Улар қуйидагилар:

- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- олий таълим муассасаларига киришда қизлар учун алоҳида давлат грантларини жорий этиш;
- ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш;
- тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;
- 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилиши, бунинг учун эса банкларга Давлат бюджетидан алоҳида ресурс ажратилиши;
- 1 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилиши.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда янги Ўзбекистон аёлининг қиёфаси ақлли, билимли, гўзал, ўзига эътибор берадиган, ўз устида ишлайдиган, севимли машғулоти билан шуғулланиб, завқ оладиган, ўзлигини намоён қила оладиган ижодкор. Бундай қиёфага эга бўлишга ҳар бир аёл интилиши зарур.

Миллатлараро тотувлик — улуғ қадрият

Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларига улуғ қадрият сифатида қараш бугунги ўзбек жамиятига хос унсурлардан бири бўлиб қолди. Бу масалага тўхталган Президентимиз Мурожаатномада **"Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз"**, деб таъкидлади.

Кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ўз Мурожаатномасида бу масалага тўхталиб, 30 июль — "Халқаро дўстлик куни" муносабати билан юртимизда биринчи марта "Дўстлик ҳафталиги"ни ва "Дўстлик" халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этди.

Худойқул АЗИЗОВ,
Мансур БЕКМУРОДОВ,
Дилфуза РАҲИМОВА,
Нигора УМАРОВА,
Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг собиқ раиси, меҳнат фахрийси **Асхад Шарипович ҲАБИБУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси профессори **Маҳмуд НАЖИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҚАРДОШ ЭЛЛАРНИНГ МУШТАРАК МАҚСАДЛАРИ

1

Тарғиботнинг зўр усули

Тошкентдан Анқарагача замонавий ҳаво лайнерида 6 ярим соатлик масофа. Аммо "Turkish Airlines" авиакомпаниясининг илғор хизматлари ва хушмуомала ходимлари шарофати билан вақт шиддати тезлашгандек туюлади. Қардошларимизнинг бу соҳадаги зукколигига ҳам қойил қолмай илож йўқ. Самолётнинг ҳар бир ўриндиғи орт қисмига ўрнатилган мониторлар орқали ҳали сафар аввалидаёқ бораётган манзилингиз ҳақида маълум тасаввурга эга бўласиз. Беш-ўн дақиқалик махсус видеороликлар Туркия давлатининг туризм соҳасидаги юксак салоҳиятини кўз-кўз этади. Ушбу ўлканинг диққатга сазовор жойлари, зиёратгоҳ манзиллари, маданияти билан йўловчиларни таништиради.

Қолаверса, айни шу бежирим экранлар ёрдамида мамлакатдаги энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишингиз мумкин. Яна самолёт бортида билганларимиз шу бўлди: Туркияда 81 провинция мавжуд. Аҳоли сони айни пайтда 81 миллион нафар. Нуфуси кўплиги бўйича Истанбул илк ўринда — 16 миллионга яқин киши! Анқарада эса 5,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бу рўйхатда кейинги поғоналарни Измир (қарийб 4 миллион 300 минг), Бурса (3 миллион атрофида), Анталия (2 миллион 400 минг нафардан ортиқ) шаҳарлари эгаллаган. Иқтисодий салоҳиятига кўра, Туркия дунёдаги катта йигирматаликка кирувчи давлатлардан бири саналади.

Парвоз чоғида тарғиботнинг ушбу самарали усули мамлакатимизнинг "Uzbekistan Airways" АЖ самолётларида ҳам қўлланила бошлаганини эшитиб қувондик.

Узоқ йўл босиб, Ер шарининг бошқа бир нуқтасига қўнсангиз-у, ўзингизни ўз юртингиздагидек ҳис қилсангиз... Буям бир ҳикмат эмасми?! Аввало, сўзимизни иқлим ўхшашликларидан бошлайлик. Анқара — атрофи қир-адирлар билан ўралган шаҳар. Унинг майдони пасту баландликлардан иборат. Осмонўпар бинолар у қадар кўп эмас. Бу борада Тошкентни ёдга солади. Одамлари жуда илтифотли.

Сафаримизнинг илк санаси якшанба кунига тўғри келгани боис меҳмонхона атрофидаги кўчаларни яёв кезамиз. Соат дўкони олдида ўзини Меҳмедбей деб таништирган ўрта ёшли киши бизни қўярда-қўймай ичкарига бошлайди. Ўзбекистондан эканлигимизни эшитиб "О, ота макон" дея дарҳол бизни чой билан меҳмон қилади. Имом Бухорий, Исо Термизий ва бошқа азиз авлиёларимиз номларини тилга олади. Дўконида ишловчи Назира исмли ўзбекистонлик қизнинг гўзал хулқу одобидан сўз очади. Анқаранинг гавжум кўчаларидан учтаси Ўзбекистон, 12 таси Тошкент, 8 таси Самарқанд ва 11 таси Бухоро номи билан аталишини эслатади. Шу йилда оиласи билан Самарқанд зиёратига боришни дилига тукканини гапириб беради. Ана шу дамда Ўзбекистондек табаррук замин фарзандлари эканлигимиздан фахрланиб кетамиз.

Кўча бўйлаб бир неча чақирим юргач, йўлимиз Қизил ой майдонига туташди. Бу ерда асли Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидан бўлган юртдошимиз Шерали Тожиевни учратдик.

— Икки ярим йилдирки, шу ерда ишлайман, — дейди у. — Турк ҳамкасбларимизнинг қурилиш соҳасидаги тажрибаларини ўрганяпман. Ростини айтсам, ўзбекистонликларга бу ерда алоҳида ҳурмат кўрсатишади. Қардошларимиз, дея ардоқлашади. Келгусида ўрганганларимни юртимизда қўллаш ниятим бор. Қолаверса, икки давлат ўртасидаги муносабатлар яхшиланиши билан Туркияга Ўзбекистондан келувчи сайёҳлар сони ҳам кескин кўпайди. Бу ерда бир ойгача визасиз юриш амалиёти йўлга қўйилганининг самараси бу!

Суҳбатимиз ниҳоясида Шерали ака бизни Анқаранинг Кечиўрен туманида жойлашган тамаддихонага таклиф қилди. Айтишича, шу худудда "Ozbek sofrasi", "Samarkand sofrasi" деб номланган икки ошхона бор экан. Бу ернинг палови, сомсаси, шўрваси ва мантиси машҳур экан. Биз келгусида, албатта, ана шу ажойиб манзилларда ҳам меҳмон бўлишни дилимизга тугиб, ҳамюртимиз билан "Ўзбекистонда кўришгунча" деб хайрлашдик.

Уч ибратли тажриба

Йирик мегаполисларнинг ибратга лойиқ жиҳатлари кўп бўлиши табиий. Анқара ҳам бундан мустасно эмас. Эътиборимизни тортган биринчи жиҳат пиёдалар йўлаклари ўртасига бир қатор қилиб ўрнатилган махсус қопламалар бўлди. Бундай манзарага шаҳарнинг деярли барча йирик кўчалари бўйларида дуч келдик. Англадикки, бўртма ва чуқур изли кошинларнинг аниқ вазифаси бор. Яъни айни шу нуқталар бўйлаб ҳаракатланган кўзи ожиз инсонлар манзилидан адашмасин. Бинобарин, бошқа йўловчилар билан тўқнашиб кетиш хавфи камайиши ҳам турган гап. Шундай экан, бундай қулайлик Ўзбекистоннинг барча йирик ва гавжум шаҳарларида жорий этилса, фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир ибратга лойиқ тажриба: ҳар ўттиз-қирқ қадамда махсус устунларга катта елим идишлар ўрнатилиб, ичига махсус елим халталар жойланган. Бу — тозаликка хизмат қилувчи омил. Муҳими, уларга ташланган чиқиндиларни олиб кетиш, ташиш ва қайта ишлаш бирмунча қулай ва осон.

Яна бир жиҳат. Анқарада маҳобатли тўйхоналарни учратмадик. Аксинча, никоҳ маросимлари ўтказиладиган манзилларнинг барчаси бир қаватли. Нари борса, 200 ўринга мўлжалланган. Одми ва ўз ўрнида шинам бўлган бу каби масканларда ортиқча ҳашаматга кўзингиз тушмайди. Мезбонлар вакилининг айтишича, Туркия тўйлари 100 — 150 чоғли меҳмон иштирокида ўтади. Исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Тўй дастурхони турфа ноз-неъматларга тўлдириб ташланмайди. Айниқса, нонни жуда тежаб истеъмол қилишади. Турли кўкат ва резаворлар аҳолининг кундалик таомномасидан муқим жой олган. Бу мамлакатда кейинги йилларда йигит ва қизларнинг турмуш қуриш ёши бирмунча узайган бўлса-да (ўртача 30 — 35 ёш), аммо никоҳ маросими билан боғлиқ таомилларда пулни кўкка совуришга хизмат қилувчи ҳолатлар йўқ. Бунинг ўрнига, тежаб қолинган маблағ келин-куёвнинг келгуси ҳаёти учун зарур бўлган жиҳозлар харидига йўналтирилади.

"Оммавий маданият" жиддий таҳдид солаётган ҳозирги кунимизда ҳар масалага юқоридаги каби оқилона ёндашув зарур, деган хулосага келдик.

Бошқарманинг «юраги» бор

Сафаримизнинг илк расмий учрашуви манзили — Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Коммуникация бошқармаси. Бу ерда мазкур нуфузли идора фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик.

— Бошқармамизга Туркия ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир янгиликлар, воқеликларни биринчилар қаторида оммага айтиш ваколати берилган, — дейди бошқарманинг медиа алоқалар координатори Мужаҳид Экер. — Мамлакатимиздаги барча ташкилот ва идораларнинг коммуникация соҳасига доир фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам зиммамизда. Бундан ташқари, хорижда ижтимоий дипломатия юритамиз. Халқ ва давлат ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаймиз. Медиа соҳасига доир ишларни такомиллаштирамиз. Журналистларни аккредитациядан ўтказиш, уларнинг давлат ташкилотларидан ахборот олишини енгиллаштириш масалалари ҳам бошқармамиз ишининг муҳим йўналишларидандир. Аҳолини давлатимиз раҳбарининг кундалик, ҳафталик дастурларидан хабардор қиламиз. Президентимизнинг бошқа мамлакат етакчилари билан телефон орқали мулоқотларини ташкиллаштирамиз. ОАВдаги чиқишларини уюштирамиз...

Бинобарин, Мужаҳидбей бошқармада халқ билан мулоқот тизими йўлга қўйилганига алоҳида тўхталиб ўтаркан, Президент ҳузуридаги Алоқа маркази (CIMER) шундай лойиҳалардан бири эканлигини айтиб ўтди. Унга ҳар бир фуқаро ўз шикоят ва аризалари билан мурожаат қилиши мумкинлигини, йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 21 кундан 14 кунга қисқартирилганини қайд этди. Бошқарма мутасаддисининг айтишича, CIMER иш бошлаганидан буён ўтган бир йил давомида бу ерга 3 миллион 11 минг 90 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган.

Шу ўринда Президент виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари каби одамлар муаммоларини ҳал этишнинг самарали механизмлари Ўзбекистонда 2016 йилдаёқ жорий этилганини ёдга олдик. Шунингдек, Коммуникация бошқармасида 2019 йилдан фаолият бошлаган "Ўлкам учун фикрим бор" лойиҳаси мамлакатимизда бир неча йилдирки, "Менинг фикрим" портали иш олиб бораётганини эътироф этишимизга туртки беради.

Хабарлар мониторинг маркази — Коммуникация бошқармасининг "юраги". Бу ерда бир зум бўлса-да, иш тўхтамайди. Ходимлар 24 соат давомида, уч навбатчиликда меҳнат қилади. Дунёнинг турли нуқталарида Туркия номи билан боғлиқ чоп этилган ҳар қандай хабар, янгилик ёки тафсилот 35 тилдан туркчага ўгирилиб, шу ерда жамланади ва тегишлигича кўра жумҳуриятдаги ташкилот, идора ва муассасаларга жўнатилади. Бу юмушлар марказдаги ва хорижий мамлакатлардаги жами 150 нафарга яқин малакали таржимонлар зиммасида. Ўз навбатида, Туркия сиёсатига доир энг муҳим янгиликлар 6 нафар мутахассис кўмагида турк тилидан бошқа тилларга ўгирилиб, хорижий ОАВларга тарқатилади.

— Ўзбекистон билан алоқаларимиз келгусида янада мустаҳкамланишига ишончимиз комил, — деди Мужаҳид Экер суҳбат якунида. — Барча соҳада ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан икки давлат ҳам бирдек манфаатдор. Ўз фаолият йўналишимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, яқин истиқболда юртингизда медиа соҳасидаги алоқаларимизни юқори босқичга кўтарадиган лойиҳаларни амалга ошириш ниятимиз бор. Ўйлайманки, бу икки қардош халқнинг, икки дўст ва биродар давлатнинг янада яқинлашувига мустаҳкам кўприк бўлади.

Дўстлик кўприги

Турк ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги — ТІКАга нисбатан шундай таъриф беришади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки беғараз ёрдам — ташкилотнинг бош мақсади. 1992 йилдан буён агентлик дунёнинг турли нуқталарида эзгуликка йўғрилган ўз лойиҳаларини рўёбга чиқариб келмоқда. Бундан манфаат кўраётганлар эса, энг аввало, ўша юртнинг оддий одамлари. Лойиҳалар турфа хил. Улар орасида таълим, саломатлик, туризм йўналишлари устувор ўрин эгаллайди. Хусусан, ТІКА томонидан Ўзбекистонда ўтган даврда умумий қиймати 41 миллион АҚШ долларидан зиёд техник кўмак грант лойиҳалари амалга оширилди. 2020 йилда ҳам кўрсаткичлар янада ортиши кутилаётир.

— Ўзбекистонни қардош ўлка сифатида жуда қадрлаймиз, — дейди Турк ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги раиси ўринбосари Раҳман Нурдин. — Бу мамлакат жуда қадим тарихга, бой маданиятга эга. Табаррук заминингиздан кўплаб алломалар, улуғ зотлар етишиб чиққан. Ўлкангиз Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган. Минтақа давлатлари тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Биз кейинги йилларда мамлакатингизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни, ислоҳотларни мамнуният билан кузатиб боряпмиз. Шу маънода, агентлигимиз Ўзбекистонда кўплаб фойдали лойиҳаларни рўёбга чиқаришга интилиб келади. Асосий мақсадимиз икки томонлама муносабатларни юқори босқичга кўтариш. Ўзбекистон халқининг янада фаровон ҳаёт кечиришига ўз ҳиссамизни қўшиш!

Икки муҳим воқелик

Ўтган йили октябрь ойида мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб қўшилди. Бу эзгу қадам турк дунёси, шу жумладан, Туркия Республикаси жамоатчилиги томонидан тарихий воқелик сифатида кутиб олинди.

— Ўзбекистон туркий тилли давлатлар орасида алоҳида нуфузга эга, — дейди Хориждаги турклар ва қардош жамиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайит Юсуф. — Сўнгги уч йил давомида мамлакатингиз қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга эришди. Нафақат чегараларини, балки бағрини ҳам кенг очди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини юксак олқишлаймиз. Ишончим комилки, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўлақонли аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг эзгу ишлари учун янада кенг йўл очди. Қолаверса, бу турк дунёси мамлакатлари мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун замин бўлади.

2019 йилнинг 16 сентябри Тошкент ва Анқара муносабатлари тарихида унутилмас кун бўлиб қолди. Негаки, айни шу санада икки шаҳар ўртасида "Биродарлашув алоқаларини ўрнатганлик ҳақида" меморандум имзоланди.

— Туркия ва Ўзбекистон нафақат маданият, санъат, туризм каби соҳаларда, балки савдосотиқ, саноат, қурилиш, шаҳарсозлик жабҳаларида ҳам ўзаро яқин ҳамкорларга айланиб улгурди, — дейди Анқарадаги йирик туризм компанияларидан бирининг масъул ходими Карем Ўзкан. — Шундай экан, ҳар икки пойтахт шаҳарнинг бир-биридан ўрганадиган жиҳатлари кўп. Анқара ҳам, Тошкент ҳам кўп жабҳада юқори салоҳиятга эга. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш эса Туркия ва Ўзбекистоннинг бош кентлари истиқболига хизмат қилади. Шундай экан, қардош халқларнинг яқинлашуви, шаҳарларимизнинг биродарлашувини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ўйлайманки, келажакда бундай манзилларимиз сафи янада кенгаяди.

...Албатта, интилиш бор жойда юксалиш бўлади. Тараққиёт кафолати эса ҳамжиҳатликда! Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг бугунги янги босқичи, унинг ҳаётий самараларини қардош халқ вакиллари, жумҳуриятнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари самимий дил сўзларидан янада теранроқ англагандек бўлдик. Аммо ҳали айтмоқчи бўлганларимиз кўп. Буларни бир мақолага жамлаш эса имконсиз. Шундай экан, сафар таассуротлари билан боғлиқ навбатдаги чиқишларимизда Туркия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳамда ушбу мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ибратли тажрибаларни кенгроқ ёритишни мақсад қилдик.

Ф. ФУРҚАТОВ
(«Халқ сўзи»).
Тошкент — Анқара — Истанбул — Тошкент.

Ҳ. МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5